

ҒАЗЗОЛИЙНИНГ “АЛ-ҚИСТОСУ-Л-МУСТАҚИМ” (ТЎҒРИ ТАРОЗИ) АСАРИДА БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

ТЕОРИЯ ПОЗНАНИЯ В СОЧИНЕНИИ АЛЬ-ГАЗАЛИ «АЛЬ-КИСТАСУ-Л-МУСТАКИМ» (ПРАВИЛЬНЫЕ ВЕСЫ)

THEORY OF KNOWLEDGE IN THE TRETISE OF AL-GAZALI “AL-KISTASU-L-MUSTAKIM” (RIGHT SCALES)

Davronbek H. QODIROV

Bukhara State University, PhD Student,
dagotys@mail.ru 11 M. Ikbol, Bukhara, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IAU/2021/3/2

Аннотация: Бугунги кунда юртимизда Уччинчи Ренессансни барпо этиш, ёшларга аждодларимиз меросини етказиш ва ислом фалсафаси асосларидаги ахлоқий-маънавий гоёлар руҳида тарбиялаш ижтимоий фанлар олдидидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун юртимизда асрлар давомида шаклланган ва қарор топган диний-фалсафий қараишлар замирида ётган манбалар ҳамда уларда баён этилган тафаккур дурдоналарини ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим ўрин тутди. Шундай фалсафий асарлардан бири илк уйғонши даврида, яъни XI асрларда яшаб, ижод қилган мутафаккир, фақиҳ, файласуф ва мутасаввиф олим Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолийнинг “Ал-қистос ул-мустақим” (Тўғри тарози) асари ҳисобланади.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ал-қистос ул-мустақим” асари “Ихё улуми-д-дин” асарида кейин ёзилган бўлиб, унда мутафаккирнинг исмоилийлар таълимотига қарши ёзилган мантиқий далиллар асосидаги фалсафий қараишлари ўрин олган. Ушбу мақолада Ғаззолийнинг исмоилийлар қараишларини қандай мезонлар асосида ўлчагани, тўғри тарози деганда нимани тушуниши, диний-фалсафий қараишлари таҳлил қилинган.

Мақолада ашёларнинг қадр-қиммати бирламчи зарурий илмлар билан аниқланиши, тажрибадан ёки ақл-идрокнинг табиий мулоҳазасида келиб чиқиши, Ғаззолий ақл-идрокни “ғаризат ул-ақл”, ақл инстинкти деб тавсифлаши, инсонда тузилганидан жоз бўлган сифат ёки фикрлаш шакли маъносидидаги ақл ғаризаси эканлиги ҳақида сўз боради. Хусусан, мутафаккирнинг тажриба, ғариза тўғрисидаги фикрлари, Арастунинг “ал-улум ул-аввалия” ва унинг ботинийлар таълимотига қарши мантиқ илми силлогизмларидан фойдаланишига эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ғаззолийнинг фалсафий билиш деганда нимани тушуниши, ҳақиқатни нима асосида билиш мумкинлиги, раъй (фикр, қараш) ва қиёс (аналогия) воситаси ва илми тарозида қандай ўлчаш мумкинлиги,

баҳсли масалаларда Қуръон ва суннатга кўра муқобил ҳолда шахсий фикр асосида қарор қабул қилиш, Қуръоннинг мезонлари мақолада мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Мақола сўнгида Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ал-қистос ул-мустақим” асарида биринчи боб, билиш мезони тўғрисидаги қисмидан таржима келтирилган. Бу эса мутафаккирнинг оламни билишда илмнинг мезонлари ҳақидаги тасаввурини ўрганиш учун ёрдам беради.

Калим сўзлар: мезон, тўғри тарози, исмоилийлар, таълим, олам ул-мулк, олам ул-малакут, мулоҳаза, усул, натижа.

Аннотация: Сегодня одной из актуальных задач социальных наук является построение Третьего Ренессанса в нашей стране, а также передача молодому поколению наследия наших предков и воспитание их в духе нравственных и духовных идей, основанных на исламской философии. Поэтому важно изучать и исследовать источники, лежащие в основе религиозно-философских взглядов, которые веками формировались и закреплялись в нашей стране, а также изложенные в них жемчужины философской мысли. Одним из таких философских сочинений является «Аль-кистасу-л-мустаким» (Правильные весы) Абу Хамида Мухаммада ибн Мухаммада аль-Газали, мыслителя, юриста, философа и мистика, который жил и творил в период раннего Ренессанса, в II-м веке.

«Аль-кистасу-л-мустаким» Абу Хамида аль-Газали был написан после его труда “Ихйа улум ад-дин” и содержит философские взгляды философа, основанные на логических аргументах против учений исмаилитов. В этой статье анализируются критерии Газали для измерения взглядов исмаилитов, то, что он подразумевает под правильными весами, а также его религиозные и философские взгляды.

В статье анализируется как определяется ценность вещей первичными необходимыми науками, возникает ли знание из чувств, опыта или естественных рассуждений разума, определение разума как “ғаризату-л-ақл”, то есть как инстинкт разума, который вложен в человека как качество или форма мышления. В частности, уделяется внимание тому, как мыслитель сравнивает опыт с инстинктом разума, соответствию первичных знаний, то есть “аль-улум ал-аввалия”, аксиомам Аристотеля и использованию философом силлогизмов логики против учения батынитов.

А также, в статье раскрывается о том, что понимает аль-Газали, когда говорит о философском знании, на каком основании можно узнать истину, что такое методы мнения и аналогий, и как можно взвесить знание на весах и как принять решение в спорных ситуациях, основываясь на личном мнении как альтернатива Корану и Сунне, а также показываются критерии Корана с примерами.

В конце статьи приводится перевод первой главы книги Абу Хамида аль-Газали «Правильные весы», посвященной критериям познания. Это помогает изучать концепцию мыслителя о критериях науки в познании мира.

Ключевые слова: критерий, правильные веса, исмаилиты, обучение (талим), аламу-л-мулк, алам ал-малакут, посыл, метод, результат.

Abstract: Today, one of the urgent tasks of the social sciences is the construction of the Third Renaissance in our country, the transfer of the heritage of our ancestors to the younger generation, and their education in the spirit of moral and spiritual ideas based on Islamic philosophy. Therefore, it is important to study and research the sources that underlie the religious and philosophical views that have been formed and consolidated in our country for centuries. One of these philosophical writings is *Al-Qistasu-l-Mustakim* (Right scales) by Abu Hamid Muhammad ibn Muhammad al-Ghazali, a thinker, lawyer, philosopher, and mystic who lived and worked during the early Renaissance, in the 11th century.

Al-Qistasu-l-Mustakim by Abu Hamid al-Ghazali was written after his work *Ihya 'ulum ad-din* and based on the philosophical views of the philosopher his logical arguments against the teachings of the Ismailis. This article analyzes his criteria for measuring views of Ismailis, what he means by Right Scales, and his religious and philosophical views.

The article analyzes how the value of things is determined by the primary necessary sciences, whether knowledge arises from feelings, experience, or natural reasoning of the mind. The definition of mind (*garyzatu-l-'akl*) is the instinct of reason, which is embedded in a person as a quality or form of thinking. In particular, attention is paid to how the thinker compares experience with the instinct of reason, the correspondence of basic knowledge (*al-'ulumu-l-awwaliyya*) to the axioms of Aristotle, and the use of syllogisms of logic against the doctrine of Batynites.

The article reveals what al-Ghazali understands when he talks about philosophical knowledge, on what basis we can find out the truth, what methods of opinion and analogies are, and how to make decisions in controversial situations.

At the end of the article, there is a translation of the first chapter of Abu Hamid al-Ghazali's book *Al-Qistasu-l-Mustakim*, devoted to the criteria of cognition.

Keywords: criteria, *Al-qistasu-l-mustakim*, Ismailis, *Alamu-l-Mulk*, *garyzatu-l-'akl*, *al-'ulumu-l-awwaliyya*, message, method, result.

КИРИШ

X-XI асрларда халифалик ижтимоий-маданий ҳаётидаги асосий масала сифатида инсон шахсияти муаммоси ўртага чиқди. Инсонга бўлган қизиқиш, индивидуал-шахсий ибтидонинг ижтимоий фикрдаги катта салмоғи ўша давр муҳитига мос келарди. Шунинг учун ўша давр халифаликда яшаган халқлар тафаккурининг шаклланишида катта рол ўйнаган антик мутафаккир ва файласуфларнинг таълимотлари, ғоя ҳамда қарашларига бўлган кучли қизиқиш бежиз эмасди.

Шу билан бирга Ислом оламига хос бўлган традиционализм ва мужтаҳидлар томонидан шакллантирилган мазҳабларга таяниш ҳам ўша

давр маданиятига таъсирини ўтказмай қолмасди. У даврда барча оқимларнинг намоёндалари ўз қарашларини Сунна ва Қуръон мезонлари, пайгамбар алайҳиссалом ва унинг саҳобаларининг амаллари билан асослашга ҳаракат қилар эдилар. Вужудга келаётган янги билимлар бидъат ҳисобланиб, асосан шариат илми манбаидан келиб чиққан ҳолда ижобий баҳоланиши мумкин эди. Бинобарин, анъанавий мусулмон традиционализи янги илмлар вужудга келган пайтда уларга дош бериши учун кучли қўллаб-қувватланишга муҳтож эди. Айнан шундай пайтда исломга рационалистик, ақлий мушоҳада элементлари кириб келиб, Калом илмига асос солинди.

Салжукийлар ҳукмронлиги, хусусан, Ғаззолий яшаган даврларда ижтимоий-маданий тараққиёт икки йўналишда амалга ошди. Биринчиси, фалсафий мактаблар ривождаги юксалиш, мафкуравий ҳаётнинг эркинлашуви бўлса, иккинчи томондан, рационализмга қарши традиционализмнинг уйғониши эди. Шундай рационал тафаккурга таянадиган ва эътиборини қаратган мактаблар шиа ҳамда мўътазилийлар мактаблари ичида шакллана бошлади. Ўз навбатида бу традиционалист суннийлар ва рационал қарашларни ёқлайдиган бошқа оқимлар ўртасида ғоявий курашларни авж олди. Ғарб шарқшунослари ўша даврдаги аҳволни рационалистик тафаккур ва теологик догматизм ўртасидаги кураш деб баҳолайдилар. Масалан, Адам Мецнинг фикрига кўра, шиа ва мўътазилийлар ўзларини алоҳида оқим сифатида суннийларга қарши қўймаганлар (А. Мец, 1:168). Унинг фикрича, халифаликдаги оқимлар ўртасидаги зиддият фақат илмий баҳс ва мунозаралар доирасида кечган. Рус олими В.В.Наумкин фикрича эса, салжукий султонлар Тўғрулбек ва Алп-Арслон ханафий бўлиб, суннийликдан озгина четлашганларга қарши каттиқ курашганлар. Бу ҳақда Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам ишора қилинганлигини таъкидлайди рус олими (Абу Хамид аль-Ғазали, 2:25). Албатта, рус тадқиқотчисининг ушбу қарашлари тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, айнан шу даврда Низомия мадрасасида шофеъийлик мазҳабидаги Абу Ҳомид Ғаззолийнинг юксак мартабага эришгани ва дарс бергани, шунингдек, салжукий султонларга атаб “Насихат ул-мулк” асарини ёзганлиги бунинг аксидан далолат беради.

УСЛУБЛАР

Тарихий солномаларга қарасак, суннийлар ва шиалар ўртасидаги ихтилоф узоқ йиллар давомида жуда шиддатли бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, халифалик ҳудудида, аниқроғи

Ғаззолий яшаган даврда, шиаларнинг исмоилийлар ва қарматийлик оқимининг таъсири кучли эди. Исмоилийлар раҳбари Ҳасан ибн Саббоҳ (1055-1124) Эрон ва Хуросоннинг баъзи бир аҳоли қатлами ўртасида кучли мавқега эга эди (Tohtiev Sh., 2020:84). А.Е. Бертельс шундай ёзади: “Бу бидъат шаҳар аҳолиси ҳамда унинг энг қуйи қатламлари ўртасида ёйилиши мумкин эди. Агар исмоилийлик X-XI асрларда Хуросон ва Ўрта Осиёда султон ва зодагон амалдорларга қарши курашаётган деҳқонлар ва кичик ер эгаларининг асосий мафкураси бўлган бўлса, XI аср охирларида исмоилийликнинг мазмуни бу билан чекланиб қолмай, мураккаб тус олди” (Бертельс Е. Э., 3:144-145). Албатта, Бертельс ўз даври мафкурасидан келиб чиқиб, ботинийликни синфий курашга ва халқнинг зулмга қарши бош кўтаришига боғлаши ноҳолис ҳамда хато фикрдир. Б.Льюис эса исмоилийлар ҳаракатини халифаликдаги асосий муҳолиф куч деб атайди (Lewis B, 4:148-149). Исмоилийлар муҳолиф куч бўлганлиги аниқ бўлсада, мамлакатдаги барқарорликка зарар келтирадиган исён ва тўполонларга сабаб бўлганлар.

Тадқиқотчи Амин Аҳмаднинг ёзишича, исмоилийлар раҳбари Ҳасан Саббоҳ ўзини Али ибн Абу Толиб авлоди эканлигига (Амин Аҳмад, 5:225) ва Химьяр подшоҳлари билан қариндошликка даъвогарлик қилган (Амин Аҳмад, 6:129). В. Наумкин исмоилийлар таълимотининг универсаллиги ундан турли синфлар манфаати йўлида фойдаланишга имкон яратиб, исмоилийлар ҳаракатининг мураккаб характерини белгилаб берарди, деб таъкидлайди (Абу Хамид аль-Газали, 2:27). Бу ерда В.В. Наумкиннинг хато қилади, чунки унинг ҳам Ғаззолий шахси ва фалсафий қарашларини баҳолашда синфий кураш нуқтаи назаридан ёндашуви мутафаккир меросини нотўғри талқин қилишига сабаб бўлади. Шунингдек, у мутафаккирни ортодоксал ислом ҳимоячиси, деб атайди (Абу Хамид аль-Газали, 2:36).

Биргина америкалик шарқшунос Жорж Макдиси “Сунний уйғониш” деб номланган тадқиқотида сунний уйғониш асида традиционализм уйғониши бўлиб, Низомулмулк ва Ғаззолийга қадар олдинроқ бошланган эди, дейди (G.Makdisi, 7:158).

Ғарб файласуларининг эътиборини тортган асарлардан бири Ғаззолийнинг “Ал-қистос ул-мустақим” асари ҳисобланади. Улар ушбу асарни ислом традиционализи билан рационализмни бирлаштириш йўлидаги уриниш деб баҳолайдилар. Умуман олганда мутафаккирнинг “диний-ахлоқий қарашлар тизими традиционализм, рационализм ва мистицизм элементларини” ўзида акс эттиради (Абу Хамид аль-Газали, 2:31). Ушбу фикрлар баҳсли бўлсада, Ғаззолий меросини ўрганишда юқоридаги

Ғарб тадқиқотчиларининг фикрларини инобатга олиб, танқидий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ғаззолийнинг “Ал-қистос ул-мустақим” асари “Ихё”дан кейин ёзилган бўлиб, фалсафий-мантикий асар ҳисобланади. Унда Ғарб фалсафаси ривожига таъсир ўтказган силлогизмлар назарияси ёритилади.

“Қистос” ёки “қустос” араб тилида икки паллали тарози маъносини англатади. Кенгроқ маънода бу калима “тенг ва адолатли мувозанатга келтириш” деганидир. Асарда Қуръон оятлари тўғрисида мантикий қонуниятлар асосида фикр юритилган.

“Ал-қистос ул-мустақим” асарининг баён қилиниш услубига кўра, унда икки киши ўртасидаги ҳақиқатни қандай билиш мумкинлиги ҳақидаги мунозара асосига қурилган. Ғаззолий ботиний исмоилийлардан бўлган, яъни Аҳли таълимдан бўлган бир таълимий рафиқни учратганлиги ва унинг “Маърифат ҳақиқатини қайси мезон билан ўлчайсан?” деган саволига берган жавобини ҳикоя қилади.

Ғаззолий ботинийларга қарши фикрдаги усулларни қўллайди. Раъй (фикр, қараш) ва қиёс (аналогия) воситасида илмни тарози ўлчовига тортиб бўлмайди, бу шайтоннинг ўлчовидир, дейди мутафаккир. Ар-раъй вал-қиёс Қуръон, сунна ва ижмодан кейинги мусулмон ҳуқуқининг тўртинчи манбаси ҳисобланади. Улар фикрдаги баҳсли масалаларнинг ечимини топишда ва ҳукм қилишда, Қуръон ва суннатга кўра муқобил ҳолда, шахсий фикр асосида қарор қабул қилишдир. Ботинийлар эса маъсум имомнинг буйруғи раъйнинг ўрнини босади деган ботил таълимотга эътиқод қилганлар. Ботинийларнинг ушбу фикрига қарши Ғаззолий силлогистика доирасида раъй ва қиёсни чегаралаб, уларни баҳсли масалалар ечимини топишда фикрхўй усуллардан бири эканлигини тан олади ва Қуръон ёрдамида бунинг тўғрилигини исботлайди. Мутафаккир маърифат ҳақиқатини “тўғри тарозида ўлчаш” лозим деб, таъкидлайди. Энг тўғри тарози деб, Ғаззолий Қуръонни айтади. Тарози бу Қуръондир ва ўлчов ҳам ундан келиб чиқади (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:16).

Имом Ғаззолий шундай дейди: “Мен уни тўғри тарози (ал-қистос ул-мустақим) билан ўлчайман. Токи унда ҳақни ва ботилни, тўғрини ва четга оғанни кўриш учун, Аллоҳ Таолога эргашган ва Унинг набийси с.а.в. тилига туширилган ва Қуръонда айтилган: “Ва тўғри тарози ила тортинг” (Исро, 17:35) оятдан ўрганган ҳолда тарозига тортаман”. Аллома Аллоҳ таоло ўз китобида нозил қилган ва ўз пайғамбарларига улар билан ўлчашни ўргатган бешта мезон бор бўлиб, пайғамбарлардан

таълим олган ва Аллоҳ мезони билан ўлчаган киши тўғри йўлдан бориб, хидоят топади дейди.

Мутафаккир Қуръондан ушбу оятларни келтиради: “Осмонни баланд кўтарди ва тарозуни ўрнатди. Тортишда ҳаддан ошмаслигини унча адолат ила ўлчанг ва тарозудан уриб қолманг” (Роҳман, 55:7-9) ва “Дарҳақиқат, Биз пайғамбарларимизни равшан нарсалар ила юбордик ва улар ила китоб, ҳамда одамлар адолатда туришлари учун мезон туширдик” (Ҳадид, 57:25). Ғаззолий ботинийга танбеҳ бериб, Қуръонда зикр этилган мезон бу бугдой, арпа ёки олтин ва қумушни ўлчайдиган тарози эмаслигини таъкидлайди. Ушбу тарози Аллоҳни таниш – маърифатуллоҳ, унинг фаришталари, унинг китоблари, унинг пайғамбарлари, унинг мулки ва малакутини билиш мезони бўлиб, инсон у билан пайғамбарлардан худди улар малоикалардан ўрганганлари каби бу тарозида қандай ўлчашни ўрганиши лозим дейди. Ғаззолий Аллоҳ таоло биринчи муаллим, Жаброил иккинчи, расулуллоҳ учинчи; барча махлуқотлар пайғамбардан таълим оладилар ва улар учун бундан бошқа илм олиш йўли йўқ деб таъкидлайди.

Ботинийлар ақллар қарама-қарши ва зид бўлиб, ҳақиқат маъсум имом ёрдамида англанади, чунки у оламда мавжуддир деб ишонадилар. Ғаззолий бунга рад этиб, имомлар имоми Муҳаммад бин Абдуллоҳ бин Абдулмуталлибдир, “Гарчи, уни кўрмаган бўлсамда, унинг таълимини эшитаман, у менга доим келиб туради, бунга эса асло шубҳа йўқ. Унинг таълими бу Қуръон ва Қуръон тарозисининг тўғрилиги эса Қуръоннинг ўзидан маълум” дейди. Аллома ботинийга қарздор бўлса, тарози тўғрилигини қандай билишини сўраб савол беради. Ботиний мусулмонлар ҳақида яхши фикрда эканлигини, агар шубҳа қиладиган бўлса уларни олиб, тарозининг палласи ва тилига қарашини айтади. Тарози тўғрилиги зарурий илм -мулоҳазадан¹ (муқаддима) ҳосил бўлади: улардан биринчиси тажрибавий, иккинчиси ҳиссийдир. Ғаззолий бунга ақлий, рационал фикр ва аналогия (раъй ва киёс) деб айтади. У тўғри тарозининг яратувчиси Аллоҳ Таоло, муаллими Жаброил, фойдаланувчиси ал-Ҳалил, шунингдек Муҳаммад а.с. ва бошқа пайғамбарлар дейди ва тарозининг таърифини беради.

Имом Ғаззолий ушбу тарозини беш қисмга ажратиб, шундай дейди: “Билки, Қуръоннинг мезони аслида учта: мувозанат ўлчови (мезон ут-таодул), боғлиқлик ўлчови (мезон ут-талозум) ва қарама-қаршилик ўлчови (мезон ут-таонуд). Лекин мувозанат ўлчови уч қисмга бўлинади: катта, ўрта

ва кичик қисмларга. Шундай қилиб, уларнинг ҳаммаси бештадир” (Ҳужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:18).

Ушбу ўлчовларнинг ҳар бирини Ғаззолий қўлланилиши, аҳамияти, таърифи ва Қуръондаги ўрнини кўрсатиб беради. Масалан, мувозанатнинг кичик мезони сирларга қўлланилишини очиб бераркан, унинг ахлоқ масаласига доир эканлигини кўзга ташланади. Ғаззолий бунга шундай очиб беради: “Баъзилар: ҳар қандай ёлғон аслига кўра қабиҳликдир, дейдилар. Биз эса деймиз: “Биров золимдан яширинган пайғамбарлардан бир пайғамбарни, авлиёлардан бир авлиёни кўрди ва золим ундан яширинган жойини сўради, у эса бунга яширди. Хўш, унинг сўзлари ёлғон ҳисобланадими?”. У (исмоилий): Ҳа, деди. Биз сўрадикки: У (ёлғон) қабиҳми? У деди: Йўқ, балки ўша кишини ҳалокатга олиб келувчи ҳақиқат ёмондир. Ва биз унга айтаемиз: Унда мезонга қара, зеро, биз айтаемизки, ўша кишининг қаердалигини яширадиган сўзлари ёлғондир. Бу эса маълум мулоҳазадир (усл маълум) ва бу сўз ёмон эмас дегани эса иккинчи мулоҳазадир (ал-усл ус-саний); бундан ҳар қандай ёлғон ёмон эмас, деган фикр келиб чиқади. Энди тааммул (чуқур фикр) қил, икки мулоҳазани (услайн) эътироф эта туриб, ушбу натижага шак-шубҳа қилиш мумкинми? Ушбу нарсга муқаддаслик мезонини (мезон ут-тақдис) тушунишда мен келтирган тажрибавий ва ҳиссий мулоҳазаларимдан аниқ бўлдимми?” (Ҳужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:33-34). Юқорида келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, яхшилик йўлида ишлатилган ёлғон ёмон, қабиҳ амал эмасдир. Зеро, бу ёлғон бир инсон жонини қутқазишга ёрдам бериб.

НАТИЖА

Ғаззолий Қуръон ўргатадиган ва таълим берадиган, “тўғри таълимга” чақиради. Яъни исмоилийлар тушунадиган ва маъно берадиган ботил маъсум имомлик таълимини инкор этади. Чунки, исмоилийлар етакчиси имом суннага кўра таълим бера олмайди. Ботинийлар ҳам, мутакаллимлар ҳам Қуръонни таъвил, яъни аллегорик шарҳлашга ҳаракат қилганлар. Исмоилийлардаги “ат-таъвил ал-ботин” (яширин шарҳ) ўзгача маъно касб этиб, матндаги яширин маънони шарҳлаш саналган. М.Хожсон ботинийларни тўртта асосий тушунча билан тавсифлаш мумкин дейди: 1) ботин; 2) таъвил; 3) омм ва хосс; 4) тақия (Encyclopedia of Islam, 9:157). Таъвил тушунчаси ботинийларга кўра, ҳар бир сўз икки хил маънога эга деган фикрга асосланади. Бундай ҳолда таъвил улар учун зоҳирдан ботинни келтириб чиқариш, яъни

¹ Муқаддима ва натижа- силлогизмда, фалсафий атама: мулоҳаза ва ҳулоса

аниқ нарсадан яширин маъносини ажратиб олиш, танзил – пайғамбар томонидан муқаддас матнни очиб беришдек муҳим аҳамият касб этади. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом даврида бу ролни исмоилийлар фикрича Али ибн Абу Толиб р.а. бажарган. У танлаб олинган хос кишиларга таъвилни ўргатган. Сунний уламоларга кўра матнларни асл маъносидан ташқари шарҳлашга ҳаракат қилган барча ботинийдир. Масалан, Ибн Таймия ҳам сўфийларни, ҳам файласуфларни, жумладан, Ибн Рушдни, ботиний дейди. Тадқиқотчи Ф. Жабре Ғаззолийнинг “Таҳофут ул-фалосифа” асарини файласуфларга қарши эмас, балки ботинийларга қарши ёзилган, деб айтади (Jabre Farid, 10:73).

Ғаззолий ашёларнинг қадр-қиммати бирламчи зарурий илмлар билан аниқланади. Бу илм ҳислардан, ёки тажрибадан, ёки ақл-идрокнинг табиий мулоҳазасида келиб чиқади дейди. Ғаззолий ақл-идрокни “ғаризат ул-ақл” – ақл интинкти деб атади. У буни туғма қобилият, инсонда туғилганидан жо бўлган сифат ёки фикрлаш шакли маъносида тушунади. У тажриба билан ғаризани бир-бири билан таққослайди. Бирламчи билимлар “ал-улум ул-аввалия” Арастунинг аксиомаларига тўғри келади. Аз-зарурия, яъни зарур тушунчаси ҳам юнонлардан олинган бўлиб, мутафаккир бу иборани ботинийларга қарши ёзган “Ал-Мустазҳирий” асарида “фикр юритишни талаб этмайдиган, ашёларнинг зарурилиги деганда, барча ақл-идроки борлар уни тушунади деган маънони билдиради” деб изоҳлайди (Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, 11:11).

Ғаззолий тавсифланадиган нарсага нисбатан ҳукм чиқариш учун “аввалиёт”, яъни бирламчи сифатларга қарашга ундайди. Ботиний билан баҳсга киришар экан, шундай мисол келтиради: “Масалан, агар қорни шишган ҳачирни кўрган киши, унинг ҳомиласи бор дейди. Аммо ақлли киши ҳачир туғмаслигини билади. У киши: “Мен буни тажрибамдан биламан” дейди. Сен эса: “Бу ҳачир эканлигини биласанми?” деб сўрайсан. У: “Ҳа, буни ҳиссим ва кўзим билан билдим” деб жавоб беради. Шунда сен айтасан: “Энди сен унинг ҳомиладор эмаслигини биласанми?”. У эса икки мулоҳазани (услайн) билгач бунга шак-шубҳа қила олмайди, чунки улардан бири тажрибавий ва иккинчиси ҳиссийдир. Унинг ҳомиладорлиги тўғрисидаги илм зарурий илм бўлиб, у эса олдинги икки илмдан келиб чиққандир. Сендаги мезоннинг тўғрилиги ҳақидаги илминг тажрибавий илмдан келиб чиқди, оғир тош (сақил) босади ва шунингдек, ҳиссий илмдан келиб чиқиб, ҳеч қайси палла бошқасига нисбатан оғир келмайди” (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:23).

Ғаззолий фикрни давом эттириб, сифат ҳукмининг мавсуф (тавсифланадиган ашё) ҳукми эканлигини тушунтиради: “Бу ҳачир деганинг васф. Сифат эса ушбу ҳачирдир. Ҳар қандай ҳачир туғмайди, деганинг бу ҳачир ҳукми. Яъни ҳачир сифати унинг туғмаслиги. Бундан эса ҳукм чиқади, ҳачир деб тавсифланадиган (мавсуф) ҳайвон туғмасдир. Худди шундай агар сенга ҳар қандай ҳайвон ҳис қилади дейилса, сўнг қурт ҳайвон деб мисол келтирилса, сен қуртнинг ҳис қилишига шубҳа қилмайсан. Сенинг фикринг шундай бўлади: “Ҳар қандай қурт – ҳайвон, ҳар қандай ҳайвон ҳис қилади, демак, ҳар қандай қурт ҳис қилади”. Бу худди: “Ҳар қандай қурт ҳайвондир” деган сўзингдек, қуртнинг ҳайвон эканлигининг васфи бўлади, ҳайвон эса унинг сифати бўлади. Агар ҳайвон ҳақида у ҳис қилади, у жисмдир, ёки яна бошқа бир нарсадир деб ҳукм чиқарсанг, иложсиз бу қуртга ҳам тааллуқли бўлади. Бу зарурий бўлиб, унга шак-шубҳа қилиб бўлмайди” (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:24). Албатта бу сифатнинг мавсуфга тенг бўлиши ёки ундан кенг бўлиши шарт қилинади. У ҳақдаги ҳукм ҳам тавсифланадиган (мавсуф) нарсани қамраб олиши зарурдир.

Ғаззолий юқоридаги мезонга фикр илмидан мисол келтириб, ҳар қандай шароб маст қилувчидир, ҳар қандай маст қилувчи нарса эса тақиқланган, ҳаромдир дейди. Фикрни тан олган киши ҳар қандай шароб ҳаром эканлигига шубҳа қилмайди. Зеро, маст қилиш шаробнинг васфи, маст қилувчи нарса ҳаромлигининг ҳукми эса шаробга ям тегишли, чунки унга тавсифланаётган нарса (мавсуф) ҳам киради. Мутафаккир “Бу барча назарий билимларнинг қисмларига (жамийъу абвоб ан-назарийат) тааллуқлидир” дейди.

Ғаззолий мезоннинг катта тарозисида инсонга доир сирларни ўлчашни ҳам мисол келтиради. У инсон ўз-ўзидан пайдо бўлдим ёки унинг вужудга келиши сабаби ва яратувчиси борми деган саволни қўяди. Бу савол оламнинг пайдо бўлиши ва яралишига ҳам тааллуқли дейди. Бу мезонга қарасак, унинг яратувчиси бор ва у билгувчидир (олим) деб таъкидлайди. Мутафаккир дейди: “Биз деймизки, барча эҳтимолий нарса (куллу жоиз) сабабга эгадир. Олам ва инсонга миқдор ҳам жоиз бўлади, эҳтимол. Бундан келиб чиқадики, уларнинг сабаби мавжуддир. Бу натижага ушбу икки мулоҳаза (услайн)ни олиб ўрганган киши шубҳа қила олмайди. Агар у бу икки мулоҳазага шубҳа қилса, улар ҳақидаги ўз илмини бошқа аниқ икки мулоҳазадан чиқаради, токи шубҳага ўрин қолдирмайдиган бирламчи илмга келмагунича. Бирламчи аниқ илмлар (ал-улум ул-жалият ул-аввалия) мураккаб яширин илмлар (ал-

улуи ул-ғомизат ул-хафия) асосидир, улар унинг уруғидир. Ва лекин ундан фақат экиш ва ўриб олиш ёрдамида яхши ҳосил олиб биладиган киши фойдалана олади, бу иккаласи (яъни экиш ва ўриш) уйғун ҳолда қўшилсагина амалга ошади” (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:25-26).

Ғаззолий барча эҳтимолий нарса (куллу жоиз) сабабга эғалигини тушунтириб, инсоннинг нега аниқ эмас, балки эҳтимолий миқдорга эга эканлигини очиқ беради. У куллу жоиз, эҳтимолий нарса деганда, икки тенг қисмлар ўртасидаги тараддудланишни (ўзгариш, иккиланиш) назарда тутди. Агар икки нарса тенг имкониятли бўлса, улардан бирига мавжудлик ёки йўқлик хос бўлмайди, шунинг учун бирига тўғри бўлган нарса бошқасига ҳам заруратан тўғри бўлади, бу бирламчи бўлишдир.

Ғаззолий инсоннинг миқдорига (ўлчамига) кўра фарқ қилиши, унинг мажбурий эмас, эҳтимолий бўлишини шундай тушунтиради: “Бу нарса худди котиб ёзадиган хат маълум бир ўлчамга (махсус), эҳтимолий (жоиз) ўлчамга эга деган гапга ўхшашдир. Хат, айнан хат бўлганлиги учун, маълум бир ўлчамга эга эмасдир. У билан тасвирланган ҳарфлар эса ё узун ёки қисқа бўлиши мумкин. Бунинг сабаби унга маълум бир ўлчам хос бўлиши, узунроқ ва қисқароқ бўлиши эса ишни бажарувчига (фоилга) боғлиқ. Хатнинг у ёки бу ўлчамда бўлиш эҳтимоли тенгдир ва бу зарурийдир. Худди шундай инсоннинг шакли ва тана аъзоларига нисбатан ишлатиладиган ўлчамлар эҳтимолийлиги тенг бўлиб, шубҳасиз уни фоил белгилайди” (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:26). Ғаззолий фикрича, ишни бажарувчи (фоил) билувчидир, чунки ҳар қандай ташкил этилган яқунланган ҳатти-ҳаракат билувчи, илмли фоилга таянади. Агар инсон танаси тартибли ва тугал экан, унда унинг тартиблилиги (мураттаба) ҳам илмли фоилга (олим бажарувчига) таяниши лозим. Мутафаккир бунга натижаси шубҳа уйғотмайди деб, икки мулоҳазани келтиради. Улардан биринчиси, инсон танасининг тартибли (мураттаба) эканлигидир. Буни инсон аъзоларининг муносиб, уйғун ҳолда тартибга солингани ва ҳар бирига ўзига хос бир функция юклатилганини мушоҳада қилишдан билса бўлади: кўл ушлаш учун, оёқ юриш учун бўлгани каби. Инсон тана аъзоларини билиш (маърифа ташриҳ ал-аъзо) у ҳақда зарурий илмнинг ҳосил қилади. Тартиб ва тизимга (ал-мураттаб ул-манзум) солинган нарса илмга муҳтождир. Ғаззолий шундай дейди: “Оқил киши шубҳа қилмайди, тартибли хат (ал-хатт ул-манзум) фақат ёзишни билган киши (Олим ул-китобат) қўлидан чиқиши мумкин, ҳатто у билмайдиган қалам воситасида ёзилса ҳам. Яшириниш мақсади учун ярайдиган

уй ҳам, - унинг хоналари, ҳаммоми, тегирмони ва шу каби бошқа нарсалари каби – барчаси фақат қуришни билган киши томонидан бино этилиши мумкин” (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:27).

МУҲОКАМА

Имом Ғаззолий раъй ва қиёс ўлчови ҳақида Аллоҳ уларга таянишдан қайтаргандир дейди. Агар дўстларимдан кимда ким уларни маърифат мезони деб ҳисобласа, у дин учун жоҳил дўстдир, бу эса оқил душмандан кўра ёмонроқдир деб таъкидлайди. Агар Аллоҳ таълимийлар мазҳабини саодатманд қилишни истаганида, уларга аввал Қуръондан баҳс қилишни ўргатган бўларди деб, ушбу оятни келтиради: “Раббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услубда мунозара қил!” (Наҳл, 16:125). Аллоҳ Таолога ҳикмат билан даъват қиладиган қавм (имон келтирганлар), мавъиза ва мужодала билан даъват қиладиган ҳам қавмлар бор. Агар аҳли мавъиза ҳикмат билан озиқлантирилса, чақалоққа қуш гўшти зарарли бўлганидек, уларга зарар келтиради. Аҳли ҳикмат билан мунозарага киришиш эса уларда нафрат уйғотади. Яъни аҳли ҳикмат, яъни авлиёлар мужодала аҳлида қочадилар. Бу худди бола катта бўлгач кўкрак сутини эмишдан жирканишига ўхшайди, дейди мутафаккир. Кимки баҳс аҳли (аҳл ул-жидол) билан баҳс қилиб, Қуръон ўргатгани каби яхши йўл билан мунозара қилмаса, бадавийни бугдой нони билан озиқлантирган каби бўлади. Чунки бадавий хурмо ейишга ўргангандир. Ёки бугдой нонига ўрганган деҳқонни хурмо билан озиқлантиргандек бўлади.

Ғаззолий Иброҳим ал-Халилни ўз душмани Бобил подшоҳи Намрудни имонга даъват қилиб: “Менинг Раббим тирилтиради ва ўлдиради” (Бақара, 2:258) деганини мисол келтиради. Бироқ, жоҳил Намруд ақли бунга етмаслигини англайди, чунки Намруд унга жавобан: “Мен тирилтираман ва ўлдираман” деб айтади. Бу жавобни эшитганида, пайғамбар унинг ақли етадиган даражага тушади ва унинг фаҳми етадиган қилиб шундай дейди: “Албатта, Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради, бас сен уни мағрибдан чиқаргинчи”. “Бас, куфр келтирган лол қолди” (Бақара, 2:258). Кўриниб турибдики, Ғаззолий Қуръон мисолида инкор қилиб бўлмас мантикий далил келтирмоқда.

Иброҳим а.с. Намруднинг ўликларни тирилтира олишга ожизлигини исботлаш учун хужжат келтиришга ҳаракат қилмади, чунки бу унинг тушунишга ақли ожизлик қилишини биларди. Агар Намруд қотиллик қилса, буни ўзи томонидан бўлган деб ўйларди. Зеро, унинг ақли доирасидан

чиқадиган, басиратининг чегараси ва даражасига муносиб бўлмаган нарсани Намрудга тушунтириб бўлмасди. Иброҳим а.с.нинг мақсади уни йўқ қилиш эмас, балки тирилтириш эди. Яъни буни Ғаззолий инсонга мос келадиган озуқа билан озиклантириш тирилтириш, мос келмайдиган нарсада босим ўтказиш эса йўқ қилиш деб тушунтиради. Имом Ғаззолий бундай дақиқ нарсаларга фақат илм нури билангина эришилади деб, таъкидлайди. Ушбу нур нубувватни англайдиган кишининг ёғдуланишидан келиб чиқади.

ТАҲЛИЛ

Ғаззолий ўз услубини аниқ ва шубҳасиз бўлган нарсаларга ўтиш, яъни аввалиёт – бирламчиларга бориш деб атайди. Икки бирламчини қўшиш (издивож ул-аввалиёт) Халил Иброҳим а.с. услуби бўлиб, у ҳақиқатни англашда (ли-маърифат ҳақиқа) ишончли ўлчов, тўғри тарозидир (мизон содик). Файласуф фикрига кўра, буни ҳеч ким инкор этолмайди, чунки инкор қилиш Аллоҳ пайғамбарларига ўргатган ва нозил қилган нарсаларни инкор этиш бўлади. Демак, дейди Ғаззолий, Иброҳим а.с.га берилган таълим агар “раъй” ҳақиқат бўлмаган тақдирда ҳам, шубҳасиз, ҳақиқатдир. Буни инкор қилиш таълим ва раъйни биргаликда инкор қилиш бўлади, ҳеч ким амалда бундай ҳисобламайди деб, хулоса қилади мутафаккир.

Ғаззолийнинг таъкидлашича, агар инсонга ҳис этиладиган (маҳсус) ва англонадиган (маъқул) нарсалар ўртасидаги мувозанат очилса, аниқ ва билиш мумкин бўлган олам (олам уш-шаҳодат вал-мулк) ҳамда яширин ва ғайб олами (олам ул-ғайб вал-малакут) ўртасидаги мувозанат очилади. Уларнинг остида эса буюк сирлар (асрор азима) мавжуд бўлиб, уларни билмаган Қуръон нурларини (анвор ул-Қуръон) билишга ва ундан илм ўрганишга қодир эмасдир, у фақат илмнинг пўчоғига эга бўлади. Мутафаккир шундай хулоса қилади: “Бинобарин, Қуръонда барча илмлар мезони бор экан, унда барча билимлар калити ҳам мавжуддир. Бу “Жавоҳир ул-Қуръон” китобида кўрсатилгандир ва буни ундан излагин” (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:45). Ғаззолий шаҳодат ва малакут олами ўртасидаги мувозанат сири рўёда маънавий ҳақиқатлар орқали хаёлий мисолларда (ал-ҳақоикун ул-маънавия фил-амсилат ил-хайалия) намоён бўлади дейди. Рўё нубувватнинг бир қисми бўлиб, нубувват оламида мулк ва малакут олами (ғайб ва фаришталар олами) борица тажаллий этади. Мутафаккир “Ал-мулк вал-малакут”ни яна “ал-Арз вас-самовот” ҳам деб атаб, уни “Ердаги ва самовий подшоҳликлар” деб тушунтиради.

Бунга мисол тариқасида Ғаззолий бир кишининг тушини келтиради: “Бир куни бир киши тушида кўлида муҳр кўрди. У билан эркакларнинг оғзи ва аёлларнинг фаржига муҳр босар эди. У тушини Ибн Сиринга айтиб берди. У: “Сен рамазонда саҳарда азон айтувчи муаззинсан” деди. У киши: “Худди шундай” деди. Энди ушбу мисолда унинг ғайб оламидаги ҳолининг намоён бўлишига назар сол ва бу мисол ҳамда рамазондаги саҳарликда айтилган азон ўртасидаги мувозанатни изла. Эҳтимол, муаззин қиёматда ўзини шу ҳолда кўради ва унинг кўлида оловдан бўлган муҳр бўлади. Унга айтилади: “Бу сен эркакларнинг оғзи ва аёлларнинг фаржини муҳрлаган ўша муҳр”. У эса шундай дейди: “Аллоҳга қасамки, мен бундай қилмаганман”. Шунда унга айтилади: “Албатта, сен бу ишни қилгансан, аммо буни билмагансан, чунки бу сени феълингнинг руҳидир” (Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий, 8:46). Ушбу ҳикоядан мутафаккир мажоз оламидаги нарсалар ҳақиқати охира оламида акс этишини таъкидлайди.

Ғаззолий фикрича, ашёларнинг ҳақиқати ва руҳи руҳлар олами – олам ул-арвоҳда намоён бўлади. Руҳ эса ёпинчиклар оламида (олам ут-талбис), яъни ҳиссиёт ва хаёл оламида (олам ул-ҳисси вал-хайал) шакл ва сурат билан қопланган бўлади. Ғаззолий ушбу фикр далилига Қуръондан шундай оятни келтиради: “Биз сендан пардани ечдик ва сенинг назаринг бугун ўтқирдир” (Қоф, 50:22). Худди шундай шаҳодат оламида шариат чегараларини тарқ қилган ҳар қандай киши фош бўлиб, шармандаю шармисор бўлади.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладик, мутафаккир кўпроқ илоҳий атроф оламини ва ундаги махлуқотларни мушоҳада қилишга чорлайди. Шунда инсон учун малакут оламига бир раванна, яъни туйнук очилади ва унинг эшитиши юмшайди. Яъни инсон ғафлатдан уйғонади ва илоҳий ҳикматларни кўра олади. Шунингдек, имом Ғаззолий илмни кўп саёҳат қилган, ўрганган ва оламини таниган кишидан олиш лозим деб, таъкидлайди. Ғаззолий транцендент ва имманент оламини, улар орасидаги сирларни ҳиссий ва ақлий тажриба орқали билиш мумкин деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Ғаззолийнинг фалсафий асарларини тадқиқ этиш орқали, унинг қарашлари Ғарб фалсафаси ривожига таъсир қилганлиги ва пойдевор бўлганлигини, шу билан бирга Ислом тафаккури ва тасаввуф илми тараққиётида муҳим ўрин тутганлигини гувоҳи бўламиз.

АДАБИЁТЛАР:

REFERENCES:

1. Адам Метс. Мусульманский Ренессанс, Москва, 1966. –С. 168.
2. Абу Хамид аль-Газали. Воскрешение наук о вере (Ихйа улум ад-дин). Избранные главы /Пер. с араб., исслед. и коммент. В.В.Наумкина. М., 1980. –С.25.
3. Бертельс. Е. Э. Суфизм и суфийская литература. Избранные труды. Издательство «Наука», Москва, 1965. –С. 144-145.
4. Lewis B. The Arabs in History. London, 1964. –С. 148-149.
5. Амин Аҳмад. Зухо ул-Ислом. Ж.3, Қоҳира, 1964. –С. 225.
6. Амин Аҳмад. Зухр ул-Ислом. Ж.4, Қоҳира, 1964. –С. 129.
7. G.Makdisi. The Islamic Civilisation. Oxford, 1973. –pp. 155-168.
8. Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Ал-қистос ул-мустақим (Ал-мавозин ул-хамса лил-маърифати фил-Қуръон). Маҳмуд Байжу шарҳи. Ал-матбаъат ул-илмия – Димашқ, 1993. –С.16.
9. Encyclopedia of Islam. New Ed. Leyden – London, 1978. – С. 157.
10. Jabre Farid. Al-Ghazali. –MIDEO. Vol. 1. 1954, pp.73.
11. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Фазоих ул-ботиния ва фазоил ул-мустаҳзия. Қоҳира, Ал-мактабат ул-арабия, 1964. –С. 11.
12. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Ихё улуми-д-дин. Қоҳира, 4 жилд, санаси номъълум.
13. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ат-Тусий. Ал-ҳикмат фи махлуқот-и-Ллоҳ. Дор ихёи-л-улум. Байрут, 1978.
14. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин. Дор ун-наҳза ал-ҳадиса, Байрут, 2006.
15. Аль-Джаноби, Майсем Мухаммед. Теология и философия ал-Газали. М. : Изд. дом Марджани, 2010.
16. Таранов П. С. Философский биографический словарь, иллюстрированный мыслями. М., 2004.
17. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) “SOCIAL AND CULTURAL LIFE OF THE SHIITE COMMUNITIES OF CENTRAL ASIA IN THE XX-EARLY XXI CENTURIES,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/12>
18. Kodirov D. H. SPIRITUAL-MENTAL RESEARCHES OF ABU HAMID GHAZALI // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) – Vol. 2 No. 2, February 2021, -p. 73-74.
19. Qodirov D. H. Abu Homid Gazzoliy asarlaridagi tasavvuf leksikasi// Ozbekiston milliy axborot agentligi- Oza ilm-fan bolimi (electron jurnal). – 2021. – №. 2. – С. 242-250.
20. Qodirov D.H. THE PERIOD IN WHICH GHAZALI LIVED: THE SOCIO-POLITICAL SITUATION AND THE SPIRITUAL ENVIRONMENT//International Journal on Integrated Education. – 2020. – Т. 3. – №. 9. – С. 108-111.
21. Qodirov D.H. GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING//Scientific Bulletin of Namangan State University, 2020. - №. 10., p. 256-260.
1. Adam Mets. Musulmanskiy Rennsans, Moskva, 1966. –S. 168.
2. Abu Xamid al-Gazali. Voskreshenie nauk o vere (Ihya ulum ad-din). Izbrannye glavyy /Per. s arab., issled. i komment. V.V.Naumkina. M., 1980. –S.25.
3. Bertels. E. E. Sufizm i sufiyskaya literatura. Izbrannye trudy. Izdatelstvo «Nauka», Moskva, 1965. –S. 144-145.
4. Lewis B. The Arabs in History. London, 1964. –C. 148-149.
5. Amin Ahmad. Zuho ul-Islom. J.3, Qohira, 1964. –S. 225.
6. Amin Ahmad. Zuhr ul-Islom. J.4, Qohira, 1964. –S. 129.
7. G.Makdisi. The Islamic Civilisation. Oxford, 1973. –pp. 155-168.
8. Hujjat ul-islom Abi Homid al-G‘azzoliy. Al-qistos ul-mustaqim (Al-mavozin ul-xamsa lil-ma‘rifati fil-Qur‘on). Mahmud Bayju sharhi. Al-matba‘at ul-ilmiya – Dimashq, 1993. –S.16.
9. Encyclopedia of Islam. New Ed. Leyden – London, 1978. – C. 157.
10. Jabre Farid. Al-Ghazali. –MIDEO. Vol. 1. 1954, pp.73.
11. Abu Homid al-G‘azzoliy. Fazoihi ul-botiniya va fazoili ul-mustazhiriya. Qohira, Al-maktabat ul-arabiya, 1964. –S. 11.
12. Abu Homid al-G‘azzoliy. Ihyo ulumi-d-din. Qohira, 4 jild, sanasi noma‘lum.
13. Abu Homid al-G‘azzoliy at-Tusiy. Al-hikmat fi maxluqot-i-Lloh. Dor ihyoi-l-ulum. Bayrut, 1978.
14. Abu Homid al-G‘azzoliy. Ravzat ut-tolibin va umdat us-solikin. Dor un-nahza al-hadisa, Bayrut, 2006.
15. Al-Djanabi, Maysem Muxammed. Teologiya i filosofiya al-Gazali. M. : Izd. dom Mardjani, 2010.
16. Taranov P. S. Filosofskiy biograficheskiy slovar, illyustrirovannyy myslami. M., 2004.
17. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) “SOCIAL AND CULTURAL LIFE OF THE SHIITE COMMUNITIES OF CENTRAL ASIA IN THE XX-EARLY XXI CENTURIES,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/12>
18. Kodirov D. H. SPIRITUAL-MENTAL RESEARCHES OF ABU HAMID GHAZALI // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) – Vol. 2 No. 2, February 2021, -p. 73-74.
19. Qodirov D. H. Abu Homid Gazzoliy asarlaridagi tasavvuf leksikasi// Ozbekiston milliy axborot agentligi- Oza ilm-fan bolimi (electron jurnal). – 2021. – №. 2. – S. 242-250.
20. Qodirov D.H. THE PERIOD IN WHICH GHAZALI LIVED: THE SOCIO-POLITICAL SITUATION AND THE SPIRITUAL ENVIRONMENT//International Journal on Integrated Education. – 2020. – Т. 3. – №. 9. – S. 108-111.
21. Qodirov D.H. GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING//Scientific Bulletin of Namangan State University, 2020. - №. 10., p. 256-260.